

# QISHLOQ HAYOTI

№ 16 (9127)-son

Ўзбекистон Республикаси  
ijtimoiy-iqtisodiy  
gazetasi

1974-yil 1-yanvardan  
chiqa boshlagan

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУВ ХЎЖАЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув хўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида изчил слоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш, давлат экспертизасидан ўтказиш, қуриш ва реконструкция қилиш, айниқса, сув омборлари ва бошқа йирик сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашда жиддий камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

Сув хўжалиги объектларининг аксарият қисми 30-40 йилдан ортиқ хизмат қилаётганлиги ҳамда уларни лойиҳалашга малакали хорижий экспертларни жалб қилиш, илғор хорижий тажрибани жорий этиш каби масалаларга етарли эътибор қаратилмаётганлиги сабабли кейинги йилларда айрим сув хўжалиги объектларида техноген вазиятлар ва авариявий ҳолатлар кузатишмоқда.

Сув хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш, сув хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ошириш ҳамда самарали назорат тизимини ўрнатиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланганлиги ҳамда Концепциянинг устувор йўналишлари белгилаб берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

сув ресурсларини бошқариш, сувларнинг ҳисоби, ҳисоботи ва балансини шакллантириш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсири олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

республика аҳолиси, иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳитнинг сувга бўлган муттасил охиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитларни яратиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

сув хўжалиги объектларини модернизациялаш, ривожлантириш ва қурилиш ишларини сифатли ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, хавфсизлик даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш ва экспертиза қилиш ишларига малакали хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш;

ҳар бир лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини ҳамда сув хўжалиги объектининг хавфсизлигини аниқ кўрсаткич ва мезонлар асосида чуқур таҳлил қилиш орқали унинг устуворлигини белгилаш ва амалга ошириш;

сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини экспертиза қилиш ҳамда амалга ошириш ишларини илмий-техник таъминлаш;

сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш;

суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш чораларини қўриш;

сув хўжалиги соҳасида ресурс тежайдиган технологиялар, замонавий қурилиш материаллари, илғор хорижий тажрибани кенг қўллаш;

сув хўжалиги объектларини бошқариш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда тегишли маълумотлар базасини шакллантиришда рақамли технологияларни жорий қилиш;

сув ресурсларининг ҳисоби ва электр энергияси истеъмоли бўйича шаффофлигини таъминлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш;

сув хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойиллари, давлат-хусусий шериклик механизмлари ва аутсорсингни жорий қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар малакасини оширишни тизимли ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этишни тизимли ташкил қилиш;

трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағларини жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА >>

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6200-сон фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тузилмаси ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари аппаратининг тузилмаси 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари аппаратининг мунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги ирригация тизими бошқармалари аппаратининг мунавий тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 6 ва 6а-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги туманлар (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимларининг мунавий тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 7 ва 7а-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари аппаратининг мунавий тузилмаси 8-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги мелiorатив экспедициялар аппаратининг мунавий тузилмаси 9-иловага мувофиқ;

Сув омборларидан фойдаланиш бошқармалари аппаратининг

мунавий тузилмаси 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Сув хўжалиги вазирлиги: зарур ҳолларда Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, шунингдек, ҳудудий бўлимлар, тизимдаги ташкилотлар тузилмаларига бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида ўзгартириш киритиш;

Йирик гидротехника иншоотларининг, энг аввало, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда, қурилишида ва эксплуатация ишлари олиб борилишида хавфсизлик чоралари қўрилиши юзасидан буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари ҳамда сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг жавобгарлигини ошириш вазифаларини белгилаш;

юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА >>

## СИДАРЁ ВИЛОЯТИ

## “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури амалда

### Эплаган эллик ошар

Президентимизнинг “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори аҳолининг моддий шароитини яхшилаш, турмуш сифат даражасини янги bosқичга кўтаришда муҳим роль ўйнаётди.



даромад келтиради. Энг қизиғи, бу паррандалар жуда ҳушёр ва сергак, уйингизнинг содиқ кўриқчиси. Хонадонга бегона одам ёки ҳайвон келса барабар чуғурлашиб, сизни огоҳлантиради.

Эплаган эллик, эпламаган бир ошар, дейдилар. Тадбиркорликка қўл уриб, туяқуш боқининг ҳадисини олган Жаҳонгир бу ноёб паррандалар сонини янада кўпайтириш йўлида изланмоқда. Шу сабаб у туяқуш парваришига доир китоблар, манбаларни муттасил ўқийди, эринмасдан ветеринар-мутахассислардан маслаҳатлар олади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### БЎЛҒУСИ ВЕТЕРИНАРЛАР ЧОРВА КОМПЛЕКСИДА

Қораўзак тумани ҳокимлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан Агроиқтисодиёт техникумининг “Ветеринария” бўлими ўқувчилари ҳудуддаги “Rapaev Farms” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Чорвачиликка ихтисослашган мазкур хўжаликда Германия, Австрия, Испания давлатларидан келтирилган қорамоллар, қўй ва эчкилар боқилади. Чорвачилик комплекси автоматик тарзда бошқариладиган ускуналар билан жиҳозланган. Озуқа базасини яратиш учун хўжалик тасарруфида 500 гектарга яқин экин майдони мавжуд.

Чорва комплексининг гўшт маҳсулотлари хўжалик қошида-

ги цехда қайта ишланиб, ҳудуддаги қорхона ва ташкилотларга шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Бўлғуси ветеринарлар хўжалик фаолияти, чорва моллари парвариши, қорамол, қўй ва эчкиларни турли касалликларга чалинишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар билан яқиндан танишдилар.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



## Қишлоқ хўжалигида инклюзив сиёсатни қўллаб-қувватлаш ва гендер тенглик тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди

Аёллар қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг қарийб ярмини ташкил этади ва улар ўз оилаларини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, бутун мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу билан биргалликда, уларнинг бу борадаги ҳиссаси, кўпинча, етарли даражада эътиборга олинмайди.

Қишлоқ аёлларининг юқори даражадаги билими ва иқтисодий фаоллигига қарамай кўпроқ улар нисбатан паст иш ҳақи тўланадиган жойларда, оилавий ишчи сифатида ишлайдилар ва камдан-кам ҳолларда фермерлик ва қишлоқ хўжалиги ерларини бошқариш билан шуғулланидилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси билан ҳамкорликда “Инклюзив қишлоқ хўжалиги сиёсатини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида мамлакат агросаноат мажмуаси вакиллари учун биринчи семинар-тренингни ташкил этди. Иштирокчиларнинг гендер омилли ва “ҳеч кимни ортада қолдирмаслик” тамойиллини ҳисобга олган ҳолда қарорларни шакллантириш ва чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича салоҳиятини ошириш семинарининг асосий мақсади ҳисобланади.

“Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида гендер фарқи сезиларли бўлиб, ушбу омил аёлларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини тўлиқ амалга оширишларига тўсқинлик қилади, бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларининг ривожланишига путур етказиши мумкин. Албатта, вазият Европа ва Марказий Осиёдаги турли мамлакатларда бир-биридан фарқ қилади, аммо, одатда, аксарият мамлакатларда қишлоқ ва чечка ҳудудларда яшовчи аёллар катта эҳтимом билан камситиш ва қашшоқликдан азият чекишади” – дейди ФАОнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими катта маслаҳатчиси ва лойиҳа раҳбари Доно Абдуразоқова.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон 2019 йилда “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги қонунни қабул қилган эди. Ўз навбатида, ушбу қонун иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида, шу жумладан, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида гендер масалаларини ҳисобга олувчи стратегия ва тадбирлар режасини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ўзбекистонда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЙИМ) 32 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади ҳамда соҳа ишчи кучларининг камида 27 фоизининг бандлигини таъминлайди. Аҳолининг деярли ярми қишлоқларда яшайди, бу эса қишлоқ аёлларининг ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтиришни долзарб масалага айлантиради. ФАО Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва мамлакат агросаноат мажмуаси билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотларга ижтимоий заиф гуруҳлар, айниқса, қишлоқ аёлларининг манфаатлари ҳамда эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар ва ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш салоҳиятини ривожлантириш ва кучайтиришда ёрдам беради.

Лойиҳа Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси иштирокида амалга оширилади. Семинар иштирокчилари қишлоқ хўжалигида гендер ёндашувларининг асослари, гендер масалаларига оид Ўзбекистон миллий қонунчилиги, Ўзбекистон аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда хотин-қизларнинг роли ва бошқа мавзулар билан танишдилар.

ФАОнинг “Инклюзив қишлоқ хўжалиги сиёсатини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа идораларда ишлайдиган 250 дан ортиқ аёллар ва эркеклар гендер тенглиги тушунчалари ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқлиги, Барқарор ривожланиш мақсадлари ва “ҳеч кимни ортада қолдирмаслик” тамойиллини яхшироқ ўрганиш бўйича тренинглардан ўтишлари кутилмоқда. Шунингдек, лойиҳа доирасида услубий қўлланмалар, тармоқ стратегияси ва ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА >>



Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-саҳифада)

Сув ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш вазирлигининг сув ҳўжалиги вазирлигининг:

сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ўринбосари; давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси лавозимларини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Сув ҳўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикасида барча сув ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тадбирларни мувофиқлаштириш, шунингдек, сув балансини шакллантириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) этиб қайта ташкил этилсин.

Белгилансинки, Инспекция Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Белгилансинки: а) Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув ҳўжалиги объектларининг (кейинги ўринларда – хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектлари) хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда қўриқлигини назорат қилиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларини жойлаштириш ва лойиҳалаш бўйича топшириқларни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қоидаларни келиштиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларини куриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш;

хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларининг хавфсизлик даражасини аниқлаш ишларига замонавий технологиялар ва илгор тажрибаларни жорий қилиш;

фавкулотда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

б) Инспекцияга: хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланишда хавфсизлик бўйича кўрсаткичлар ва мезонларга амал қилинмаган ҳолларда сув тўпланшини чеклаш ёки тўхтайтиб қўйиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар, лойиҳа ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини эксперт сифатида жалб қилиш ҳуқуқи берилди.

“Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини замонавий талаблар ва ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби ва “Йўл харитаси” 1 ва 2-илова-ларга мувофиқ тасдиқлансин.

Сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи, Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи негизида Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш марказини;

Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалигида капитал курилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлигини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб: бир ҳафта муддатда Сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги; икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари-рига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Мазкур Фармоннинг ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 6 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

рлар билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

сув ҳўжалиги объектларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқиши, экспертизадан ўтказилиши ва бош пудрат ташкилотларини танлов (тендер) асосида аниқлаш ҳамда тегишли шартномалар расмийлаштиришни ташкил қилиш;

сув омборлари ва бошқа тоифаланган сув ҳўжалиги объектларини куриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертиза қилиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқишга хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

капитал курилиш лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш, шунингдек, буюртмачи ва пудрат ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини қўриш.

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) тузилмаси 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

сув ҳўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган хорижий инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг (кейинги ўринларда – ХМИ ва ХҲМТ) маблағлари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини ошкоралик асосида танлаш, уларнинг қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ХМИ ва ХҲМТ маблағларини жалб қилиш;

ХМИ ва ХҲМТ маблағлари иштирокидаги хорижий инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда тасдиқланшини ташкил қилиш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ХМИ ва ХҲМТ маблағларини жалб қилиш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ХМИ ва ХҲМТ маблағлари иштирокидаги хорижий инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда тасдиқланшини ташкил қилиш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ХМИ ва ХҲМТ маблағлари иштирокидаги хорижий инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда тасдиқланшини ташкил қилиш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги хорижий инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқланшини ташкил қилиш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги хорижий инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқланшини ташкил қилиш;

этилишини таъминлаш.

Белгилансинки:

Агентлик фаолияти Давлат бюджети маблағлари ва қонуни ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

Агентлик Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй манзилидаги “А” бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

Марказ Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи, Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳлари лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Марказга Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда сув ҳўжалиги вазирлигининг тақдимномаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Марказ директори мақоми тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ фаолияти Давлат бюджети маблағлари, ХМИ ва ХҲМТ маблағлари, Марказ буюртмачи бўлган лойиҳалар доирасида амалга оширилмаган курилиш ишларидан ажратилган ҳамда қонуни ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

Марказга Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 1а-уй манзилидаги “А” блокнинг 2 ва 3-қаватлари текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) тегишли халқаро молия институтлари билан келишилган ҳолда сув ҳўжалигида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида уч ой муддатда:

Агентликнинг объектларида техник назоратни амалга оширувчи мутахассислари меҳнат меъёрини белгилаш бўйича нормативлар тасдиқланшини;

Марказ томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг қарз (кредит) келишувлари муддатлари узайтирилишини;

Марказ ходимларининг ойлик иш ҳақи икки баробарга оширилишини таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммунал-оқияларини ривожлантириш вазирлиги (О.А.Пекосов) Агентлик ҳамда Марказнинг буюртманомаларига мувофиқ уларни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2021 йил 6 апрель

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Қарантин қоидаларига амал қилмаслик коронавирус хавфини оширади

Бугунги вазият, коронавирус инфекциясининг янги тўлқини нафақат ҳукумат раҳбарларини, соҳа мутахассисларини ҳам ўта ҳушёрлик билан фаолият кўрсатишга ундамоқда. Айниқса, март охирига келиб Наманганда ҳам коронавирус инфекцияси юқтириб олган фуқароларнинг аниқланиши барчани янада сергаклантирди. Бу ҳақда вилоят СЭО ва ЖСБ бошлиғи Мухаммадсоло ТўРАБЕКОВ муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

Коронавирус инфекцияси ер юзиде кенг тарқалиб, барчани, шу жумладан, халқимизни ҳам қаттиқ синовдан ўтказмоқда. Утган йили кутилмаганда кўзга кўринмас бу бало бутун инсониятни шошириб қўйди. Ривожланган АҚШ, Франция, Хиндистон, Бразилия, Россия каби қатор давлатларда касалланиш ҳолати юқори бўлди. Одамлар уйларидадан чиқа олмай қолди. Санаят корхоналари фаолияти чекловларга дучор бўлди. Ҳатто узоқни яқин қилаётган самалётларнинг самога кўтарилишига чек қўйилди. Вирус юқтирганларни жойлаштириш ва даволаш учун мавжуд шифохоналар камлик қилди. Керак бўлса уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш йўлида қанчадан-қанча фидойий эл фарзандлари, шифокорларимиз ва бошқа хизмат мутахассислари жонларини фидо қилдилар. Ана шундай оғир ва синовли кунларда юртимизда бу балога қарши курашиш йўлида барча имкониятлар ишга солинди. Пандемия оқибатларини енгиллаштиришга, халқимиз саломатлигини ишончли муҳофазалашга оид кескин, тезкор

ва зарур чора тадбирлар қўрилди. Хориждан зарур техника, тиббиёт ускуналари келтирилди. Малакали мутахассислар жалб этилди. На-тижада, утган йилнинг охирига келиб кўнгилларга таскинлик берадиган даражага эришдик. Халқимиз карантин шароитида яшади ва мураккаб вазиятларга қарамай бунёдкорлик ишларини давом эттирди. Ўйин, қанчалар қийин ва оғир бўлмасин, карантинда яшаш ва ишлаш кўникмаси ҳосил қилинди.

Мен нафақат мамлакатимиз аҳолиси учун балки, дунё халқлари учун ҳам энг оғир синовларга рўбарў қилган у кунларни бекорга эсламадим. Минг бор афсуски, ҳали ҳамон коронавирус инфекцияси деган балои азим жаҳонда кезиб юрибди, яна ҳам аникроғи, сиз билан бизнинг ҳаётимизга таҳдид қилдилар. Ана шундай оғир ва синовли кунларда юртимизда бу балога қарши курашиш йўлида барча имкониятлар ишга солинди. Пандемия оқибатларини енгиллаштиришга, халқимиз саломатлигини ишончли муҳофазалашга оид кескин, тезкор

мамлакатларидаги ташвишли ҳолатни изохлашга ҳожат бўлмаса керак. Қанчадан қанча давлатлар локадаунд тартибларига дучор бўлди.

Президентимиз яқинда бўлиб ўтган аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирусга қарши курашиш ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида барчани оголликка ундаганлари ҳам бехис эмас. Жумладан, мамлакат раҳбари ўз сўзида бугунги вазиятга баҳо бериб, жорий йил бошида кунига ўртача 30-40 нафар бемор аниқланган бўлса, март ойи ўрталаридан бу кўрсаткич 160-180 нафарни ташкил этаётгани, бунинг сабаби, кўпчилик хотиржамликка берилиб, тиббий ниқоб тақиб, ижтимоий масофа сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш каби карантин талаблари бекор қилиб қолганини таъкидладилар. Йиғилишда мута-саддиларга коронавирусга қарши курашиш бўйича ҳудудий штаблар фаолиятини кучайтириш, туңу кун ишлайдиган “колл-марказ”лар ва мобил бригадалар фаолиятини

йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди. Дори-дармон ва химоя воситаларининг камида 3 ойлик захирасини шакллантириш, худудларда 60 та кислород станциясини ишга тушириб, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларини кислород билан узлуксиз таъминлаш вазифаси қўйилди.

Агар жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали тарқалаётган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам ҳолат ўта таъвишланарли, тўғри эмасми? Айни кунларда юртимизда ҳам коронавирус инфекциясига чалинганлар сони кўзга ташланмоқда. Бу борада ойлаб қайд қилинмаган салбий ҳолат коронавирус инфекциясига чалинганлар сони кўзга ташланмоқда. Бу борада ойлаб қайд қилинмаган салбий ҳолат коронавирус инфекциясига чалинганлар сони кўзга ташланмоқда. Бу борада ойлаб қайд қилинмаган салбий ҳолат коронавирус инфекциясига чалинганлар сони кўзга ташланмоқда.

Ҳулоса ўрнида бир гапни айтмоқчиман, эл-юрт тақдирига ёзилган бу оғир синовлардан эсон-омон ўтиб олишимиз учун бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилайлик! Фақатгина карантин қоидаларига тўла амал қилиш, мутахассислар маслаҳатига қуроқ тутиш, ўз вақтида вакциналар билан эмланиш орқали бу балоюдан халос бўлишимиз мумкинлигини асло ёддан чиқармайлик!

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ суҳбатлашди

Сув ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича “Йўл харитаси” 13-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифати билан бажарилиши юзасидан шахсий жавабгарлик юклансин.

Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) бир ой муддатда:

Сув ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларини, шунингдек, Агентлик ва Марказни зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга, юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

Сув ҳўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва улар раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг аниқ кўрсаткичлари ва мақсадли индикаторларга эришишга асосланган мутлақо янги тизимини жорий этиш, яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган соҳани стратегик ривожлантириш дастурларини амалга ошириш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Сув ҳўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомини;

Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалигида капитал курилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги тўғрисидаги низомини;

Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази тўғрисидаги низомини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4486-сон қарорига 14-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 15-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Сув ҳўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.



“Тоза” маҳсулотга талаб ҳамиша баланд

Узунқулоқ жониворлар катта даромад келтиради

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Немис ишбилармонлари: “Бизга табиий маҳсулотлар керак”

Яқинда Германиялик бир гуруҳ ишбилармонлар Хўжабод туманидаги “Навигул” қўшма корхонасига ташриф буюрди.



Ташрифдан мақсад битта: жорий йил ҳосили хариди бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш. Мевачилик, узумчилик ва сабзавотчилик маҳсулотлари савдосининг сир-синоатларини мукамал ўзлаштирган меҳмонлар аввал корхона фаолияти билан сўнг юқори технологияга асосланган иссиқхона фаолияти билан танишдилар. Бу ерда тайёрланаётган сабзавот экинлари кўчатлари ҳадемай очик майдонларга экилади.

Сабзавот ва боғ майдонларида томчилатиш усули жорий этилган бўлиб, минерал ва бошқа кимёвий озукалар сувга аралашган ҳолда экинга етказилади. Меҳмонлар томонидан берилган саволларнинг бирортаси жавобсиз қолмади. Икки томон мулоқотида гап тоза маҳсулот етиштириш ҳажмлари ва хариди устида борди.

Бугун ҳудудимизда етиштирилаётган сабзавотларнинг аксарияти гибрид бўлиб, генетик ўзгариш орқали яратилган. Хорижда эса табиий навлар устувор аҳамиятга эга. Айтилишича, Франция селекциясига мансуб помидор нави тотлилиги

билан ажралиб туради. Ундан помидор қайласи тайёрлаш баробарида ҳосилнинг хориж бозорида харидори беҳисоб.

Хуллас, иссиқхонада тайёрланаётган булғор қалампери, гулқарам кўчатларини тайёрлаш жараёни ишбилармонларни беэтибор қолдирмади. Улар томонидан харид қилинадиган сабзавот маҳсулотларининг дала шароитидаги парвариши билан боғлиқ жиҳатлар бўйича тушунчалар берилди. Бизнинг бозоримизни эндигина ўзлаштираётган Германиялик тадбиркорлар ўтган йилги натижа бўйича олдинда бўлишган. Бу йил эса, мўлжални янада каттароқ олишмоқда.

Меҳмонлар харид қилиши мумкин бўлган маҳсулотларни айтсак, кўпчилиكنинг энсаси қотиши мумкин. Помидор қоқисига талаб юқори экан. “Навигул”да кўп миқдорда помидор қоқиси тайёрлаш имконияти етарли. Ўтган йили юқорида зикр этилган Франция селекциясига мансуб помидор нави парвариш қилинган далаларнинг ҳар гектаридан 170 тоннагача ҳосил олинди. Биз бу қадар кўрсаткични ҳалигача

тушимизда ҳам кўрмаганмиз, энг илғор деҳқонлар ҳам 30-35 тоннагача ҳосил олишмоқда, холос. Шунга таъкидлаш лозимки, таъриф берилаётган помидор “тоза” маҳсулотлар сирасига кириши ва помидор қоқиси тайёрланганда ҳажми жиҳатидан салмоқли тош босади.

Айтсак, етиштирувчи ва харидор ўртасидаги музокаралар қизғин тарзда кечди. Хорижлик ишбилармонлар сўраётган кашнич, укроп, бақлажон ва пиёзни маҳаллий шароитда етиштириш ва қуриштириш борасида юртимизда табиий шажа бўйича олдинда бўлишган. Авваллари хар бир хонадонда ўрик, шафтоли, олхўри, Андижон қора гилоси, кенг қулоқ ёйганлиги кекса отахон ва онахонларнинг сўхбаларида сезилиб туради. Ҳа, бугун дунёда иқлим ўзгариши билан боғлиқ ҳолатлар, генетик ўзгаришлар гирдобиде қолган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва унинг истеъмоли ортаётганлиги “тоза” маҳсулотга бўлган эҳтиёжни оширмоқда.

“Навигул” қўшма корхонаси раҳбарининг қишлоқ хўжалиги

бўйича ўринбосари Эркинбой Ёқубовнинг айтишича, бу ерда энг сўнгги технологияда барпо этилган 900 гектардан зиёд боғ, ток ва сабзавот даласи мавжуд. Етиштирилаётган барча маҳсулотлар бозорболлиги билан ажралиб туради. Шундан бўлса керакки, маҳсулот омборда ёки далада қолиб кетмайди. Эътиборли яна бир жиҳат бор: буюртмачи истаги бўйича маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилган.

Яъни, борки ҳосил бир вақтда эмас, балки босқичма-босқич етилиб боради. Андижон томонларда ўрик ҳосили ёзнинг ўртасидаёқ тўла йиғиб-териб олинади. “Навигул”даги ўрикзорлар ёзнинг охирида ранг олади. Бу вақтда ҳеч қаерда ўрик меваси қолмайди. Бундай фарқлашиш бошқа навдаги меваларда бор. Сабзавот ва полиз маҳсулотларини мижоз хоҳишига кўра қуритилган ёхуд толқон ҳолатида тайёрлаш мумкин. Шундан бўлса керакки, “Навигул” ҳамкорларининг қадами бу ердан узилмайди.

Қобилжон АСҚАРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Бепарволикка берилмайлик!

Маълумки, ёнғинлар халқ хўжалигига жиддий зарар келтиради. Бир зумда катта миқдордаги халқ бойликларини ёндириб, қулга айлантиради.

Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли хид ва газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ёнғиндан кўриладиган зарарнинг энг ёмони шуки, унда кўплаб кишилар жароҳатланиб ва ҳатто ўлиши ҳам мумкин. Булардан кўринадики, ёнғинга қарши курашиш тадбирларини ўз вақтида бажариш зарур.

Ҳозирда саноат корхоналарида ёнғин хавфини камайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилиб, бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналардан фойдаланилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенг қўлланилмоқда. Лекин барибир ўт ўчиришда асосий масъулият одамлар зиммасига тушишни унутмаслигимиз керак. Саноат корхоналарида бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Музаффар БАЙСАРОВ, Бунёдкор стадиони Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этмиш бўлими масъул мутахассиси, катта сержант.



Самарқандда қарийб 18 минг гектар майдонда КАРТОШКА ЕТИШТИРИЛАДИ

Картошка кундалик ҳаётимизда эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотлардан бири саналади. Тиббиётчилар хулосаси билан қаралганда инсон йилига ўртача 50 килограмм картошка истеъмол қилиши лозим. Шу боис, мамлакатимизда замонавий, инновацион технологияларни жорий этган ҳолда картошка етиштиришни йўлга қўйиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулот етиштирувчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туманлар бўлими томонидан Президентимизнинг 2020 йил 6 майдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда жорий йил ҳосили учун вилоятда жами 17 минг 928 гектар майдонда картошка экиш режалаштирилди. Шунинг 8 минг 122 гектари асосий майдон, 9 минг 806 гектари ғалладан бўшган майдонга такрорий экин сифатида жойлаштирилади.

Тажрибали деҳқонлар картошкadan мўл ҳосил етиштириш асосан уруғнинг сифатига боғлиқ эканлигини яхши билишади. Шу мақсадда, жорий йилда картошканин “Пекас”, “Гала”, “Фонтане”, “Эволюшн”, “Аризон” “Монто карло”, “Фонтана” сингари супер элита, элита ва Р-1 навларини экиш режалаштирилмоқда.

“Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туманлар бў-

лимлари томонидан кластер корхоналари ва фермер хўжаликларининг картошка экиладиган майдонларига талаб этиладиган 28 минг 427 тоннага яқин уруғлик билан таъминлаш юзасидан тизимли назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Ўтказилаётган назорат тадбирларига кўра, асосий ер майдонларига экилиши режалаштирилаётган картошка уруғлиги банк кредит маблағлари эвазига келтирилиши мўлжалланмоқда. Хусусан, жорий йилда Булунгур туманида 2 минг 866 гектар, Жомбойда 1 минг 130 гектар, Ургут туманида 1 минг 400 гектар ҳамда Тайлоқ туманида 1 минг 100 гектар асосий ер майдониде картошканин иқлим шароитига мос, серҳосил навларини экиш юзасидан белгиланган агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда вилоятнинг асосий ер майдонларига экиладиган картошкadan 129 минг 434 тонна ҳосил етиштириш мўлжалланмоқда.

Хушнуд НУРБЕКОВ, “Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилоят бошқармаси бош инспектори.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

БИТТА ҚУЁН БОҚИШ, ЎНТА ҚЎЙДАН ЯХШИ...МИ

Чорвачиликда гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан бир қаторда қуён гўшти етиштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, қуёнчилик етти хазинанинг биридир. Қолаверса, қуён гўшти парҳезбон ҳисобланади. Фарғона вилоятида ҳам мазкур тармок билан шуғулланаётганлар сони йилдан-йилга кўпайиб, қуёнчилик фермалари, агрофирмалар ташкил этилаётир.

Қўштепа туманидаги “Водий насли қуёнлари” масъулияти чекланган жамият шаклидаги агрофирма бугун ўз тараққиёт йўлини танлаб олган. – Тўрт йилдан буён мазкур соҳада тадбиркорлик фаолиятини олиб бормоқдамиз, – дейди агрофирма раҳбари Нуриддин Иминов. – 2020 йил ёзида шу ерда бинолар қурилиши, махсус жиҳозлар, ускуналарни ўрнатиш, қуёнларни олиб келишга астойдил киришдик. Лойиҳа қиймати 14 миллион 200 миллион сўм бўлиб, “Микрокредитбанк” АТБ вилоят филиалидан 6 миллиард сўм кредит олдик. Россиядан 2 минг бош “Хикол” зотли қуёнларни келтирдик. Ҳозир уларнинг сони 5 мингга яқин, бир-икки ойда 20 мингга етказишни кўзлаганмиз.

Қуёнчилик деганда унинг гўшти-ю мўйнаси тушунилади. Бироқ узунқулоқ жониворнинг биз билмайдиган жиҳатлари кўп. Маълумотларга кўра, қуён қонидан тайёрланган зардобни тиббиёт йўналишида ишлатиш мумкин. Бир килограмм мия кукунни эса жаҳон бозорида 30 минг долларгача баҳоланар экан. Шу билан бирга, унинг чиқиндиси ҳам деҳқончиликда яхши самара беради. Бугунги кунда дунё миқёсида қуёнчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.

– Қуёнлар парвариши алоҳида эътибор талаб қилади, чунки улар жуда таъсирчан, ошқозони нозик бўлади, – дейди агрофирма мутахассиси Ёқубжон

Ғозиев. – Жониворлар учун етарли ем-хашак, озуқа захирасини яратганмиз. Ҳозирча улар кўпайиш жараёнида. Кунига 1,5 тонна гўшт етиштириш режамиз бор. 28 нафар доимий иш ўрни яратилган корхона раҳбари озуқа базаси учун ҳозирча 13 гектар ер мавжудлиги, келгусида уни кенгайтириш, қуёнчилик кластерини йўлга қўйиш, парҳез гўшт маҳсулотини “хомидан пишганигача” халққа етказиб бериш учун Фарғона шаҳрида савдо нуқтаси очиш каби мақсад-режалари ҳақида сўзлаб берди. Унинг айтишича, ҳозирнинг ўзида супермаркетлар томонидан кунига 700-800 килогача гўштга буюртма бор.

– Бу сердаромад соҳанин сир-асрорларини ўргатишдан қочмайман, ёш тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрман, – дейди Нуриддин Иминов. – Қуёнларни тирик ҳолда сотишнинг ҳам ўйланганмиз. Йилга 400-500 тонна гўшт, 200 минг бош она қуён етказиб бера оламиз. Ҳозирча бир килограмм қуён гўштини 45 минг сўмдан сотяпмиз, келажакда яна арзонлашади.

Бу ерда йил охиригача қўшимча бинолар қуриш, селекция-наслилик ишларини йўлга қўйиш, озуқа етиштириш учун ер майдонларини кўпайтириш, терини қайта ишлаш участкасини ишга тушириш, яна 70-80 та доимий иш ўрни яратиш мақсадлари йўлида ишлар олиб боришмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

УГУНГИ МЕҲНАТ ЭРТАНГИ ТОҒДЕК ХИРМОНДА АКС ЭТАДИ

Жорий мавсумда Шароф Рашидов тумани ғаллакорлари ҳам давлатга шартнома режасида белгиланганидан ошириб, сифатли дон сотишни мақсад қилишган. Бунинг учун эса барча чоралар қўрилиб, ғалла парвариши бўйича зарур агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда.



– Ерга меҳр берсангиз, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарсангиз, ҳосил ҳам шунга яраша бўлади, – дейди тумандаги “Исоқ бобо” фермер хўжалиги раҳбари Ҳаким Соатов. – Далани бегона ўтлар босиши, сув ёки ўғитнинг кечикиб берилиши, касалликларнинг вақтида олди олинмаслиги ҳосил салмоғига катта зарар етказиши аниқ. Бу йил 30 гектар майдонга Ғозгон навини эканмиз. Ҳозиргача ғалла майдонларини икки марта ба озиқлантирдик. Гектарига 200 килограмдан сульфат аммоний, 200 килограмдан корбамид бердик. Бундан

ташқари, бир марта “шарбат” суви берилди.

Жамоа зироаткорлари агротехник тадбирларни об-ҳаво, далаларнинг тупроқ шароитига монанд ташкил этиб, хирмонлар баракасини муттасил равишда оширишга эришмоқдалар.

Албатта, бу каби омиллар жорий йил ҳосилининг мўл бўлишига замин яратади. Хўжаликда ўтган йили 30 гектар ерда ғалла парваришланиб, гектаридан 65 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, бу йил фермер 70 центнерлик маррани кўзлаб турибди.

Турғун ЎРОҚБОЕВ, журналист.



У миллат келажаги учун қайғурган



➤ Сухбатдош

# “АВЛОНИЙ” роли менга омад келтирди”

**“Авлоний” бадий фильми катта экранларга чиқарилгач, кенг жамоатчилик уни яхши кутиб олди. Фильмда Абдулла Авлоний сиймосини Хоразм давлат мусиқаши ва драма театри актёри, “Дўстлик” ордени соҳиби Алишер Йўлдошев гадалантирган. Қўйида у билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.**

— Алишер ака, аввало, “Авлоний” бадий фильми таассуротлари билан ўртоқлашсангиз...

— Аввало, Абдулла Авлонийдек буюк муаллим, серқирра фаолият соҳиби ролини экранда гавдалантириш менга насиб этганидан хурсандман. Сабаби 100 дан зиёд талабгор орасидан мен танланганман, мазкур фильми яратиш гоёси фильм суратга олинишидан бир, бир ярим йиллар олдин пайдо бўлиб, ишлар бошланган экан. Раҳматли ёзувчи Тоҳир Малик қаламига мансуб “Қалдирғоч” қиссаси фильмига асос қилиб олинган. Асар асосан Абдулла Авлоний кундаликлари асосида яратилган бўлиб, унда бобомизнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм режиссёри Музаффар Эркинов ёзувчи Тоҳир Малик билан фильм яратиш гоёси ҳақида суҳбатлашиб, сценарий ёзишни моҳир сценарийнавис Муҳаддас Усмоновага топширишди. Шундай қилиб, сценарий тайёр бўлади. Энди унга актёрларни танлаш қолади. Режиссёр бош қаҳрамон ролига муносиб актёр танлаш учун вилоят театрларига сафарга чиқади. Ана шундай кунларнинг бирида бизнинг жамоага ҳам келиб, мен билан қизиқиб қолди. Ижро қилган ролларимни томоша қилди. Орадан икки-уч ойлар ўтгач, кастингда қатнашишга Тошкентга таклиф этишди. Яна биров вақт ўтиб эса кутилмаган кўнгирак бўлди.

Шундан сўнг ролга жиддий тайёргарлик кўра бошладим. Авлонийнинг умр йўли, бетакрор ижодий фаолияти ҳақида жуда кўп ўқиб ҳам ўрганишимга тўғри келди.

— Фильмнинг асосий гоёси нималардан иборат?

— Фильм Абдулла Авлонийнинг 1919 йил Афғонистонга қилган дипломатик сафари ҳақида. Мамлакатда катта ўзгаришлар рўй бераётган даврда яшаган Авлонийнинг турлича фикрлар, оқимлар, сиёсий тузумлар ўртасидаги қурашларга нисбатан кечган ички туйғулари, миллатнинг келажаги учун қилган ҳаракатлари мазкур фильм асосини ташкил этади. Унда, жумладан, аввалига ҳадидчилар қаторида бўлган Авлонийнинг кейинчалик шўролар ҳукуматидаги хизмат қилишининг сабаблари, Афғонистон сафар пайтида унинг ўша ҳукуматга нисбатан пайдо бўлган қарши фикрлари, миллат ва юрт учун чин юракдан жон қойишти билан боғлиқ воқеалар фильмнинг асосий гоёсидир. Бир пайтлар тузум гоёяларини улуглаган, унга бағишлаб шеърлар ёзган ва кейинчалик бу тузумнинг сароб эканлигини англаб етган Авлоний: “Мен бутун умр халқим маърифати учун курашдим, янги тузум келганида эргашдим, аммо бу йўл-

нинг хатолигини жуда кеч англадим”, деб ёзган экан.

— Ушбу фильмдаги иштирокчи сизнинг кино экранлардаги ёрқинчи киши нингиз бўлди, шундай эмасми?

— Ҳа, тўлақонли бадий фильмдаги биринчи ишим десам ҳам бўлади. Аммо бундан олдин фильмларда кичик-кичик эпизодик роллар ижро этганман. Масалан, Россиялик кино ижодкорлар суратга олган Умар Хайём ҳақидаги 13 қисмдан иборат “Ҳақиқатгўй” фильмида қози ролини ижро этганман. Бобур ҳаёти ҳақидаги “Йўлбарс изидан” фильмида Бобурнинг устози ролини ўйнаганман. “Авлоний” бадий фильмидан кейин сериал ва бадий фильмлардан таклифлар бўляпти. “Малак” сериалида рол ижро этяман. “Авлоний” фильмидаги ролим премьераси бўлаётган пайтда — Мустақиллик байрами арафасида “Дўстлик” ордени билан мукофотландим.

— Фильмда каттагина актёрлар жамоиси ишлади. Улардан нималарнидир ўргандингизми?

— Албатта. Театр бошқа, кино бошқа. Театрда ролда қилинган хатони кейинги намоишларда тузатишга имконият бўлади. Кинода эса йўқ. Фильмда элимизнинг кўзга кўринган устоз санъаткорлари билан рол ўйнадим. Отабек Ҳақбердиев, Абдор Йўлдошев, Матёкуб Матжонов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Жавохир Зокиров каби актёрлар билан бир сафда туриб ижод қилдик. Ёзнинг жазирамасида уч-тўрт ойлаб сьёмка жараёнларида иштирок қилиш, рол масъулияти барибир қийин кечди. Аммо фильм премьераси кун бу қийинчиликларнинг бари унутилди.

— Олийгоҳда ўқиган даврингиз, устозларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз...

— Мактабни тамомлаб 1977 йил театрга оддий ишчи бўлиб ишга кирганман. Ўша пайтлари Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девонов Хоразм театрида режиссёр бўлиб ишларди. Кунларнинг бирида Санъат ака мени олдига чақириб, “сенга рол берсам ўйнасанми” деб қолди. Майли, дедим. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” спектаклида кичкинагина Зоҳир ролини катта ҳаяжон ва қувонч билан ижро этдим.

1982-1986 йиллари Тошкентдаги (олдинги Островский) номидаги театр ва рассомчилик билим

даргоҳида ўқидим. Талабалгимда кўплаб катта-кичик роллар ижро этдим, “Оқ илон”, “Министр хоним”, “Инсонликка номзод” спектакларида етакчи ролларни ижро қилганман. Олийгоҳни тамомлаганимдан сўнг дастлабки иш фаолиятимни А.Қаҳҳор номидаги Республика са-



тира театрида бошладим. Бу даргоҳда 1992 йилгача фаолият юритиб, республикамизнинг таниқли актёрлари билан спектаклларда катта кичик ролларни ижро этиш насиб этди. Айниқса, Лутфилла Саъдуллаева, Гулчехра Саъдуллаева, Хайрулла Саъдиев, Шухрат Расулов, Клара Жалилова, Бахтиёр Ихтиёров, Асрор Тошкенбоев каби устоз санъаткорлардан актёрлик сир-асрорларини ўргандим. Сатира театри менинг кейинги фаолиятим шаклланишида пойдевор вазифасини ўтади десам, муболаға бўлмайди.

Мен бир умр устозларимдан миннатдорман. Биринчи устозим отам ва амакиларим бўлади. Чунки отам Ҳайитбой Вафоев, уларнинг укалари Назар ва Икром Вафоевлар жўровоз санъаткор бўлган. Болалик пайтларимдан уларнинг ижоди менда катта қизиқиш уйғотиб, санъат сари етаклаган. Кейинчалик Ўзбекистон халқ артисти Шухрат Девонов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Надежда Никифоровалардан кўп нарсани ўргандим...

— Сизни нафақат актёр, балки режиссёр сифатида ҳам яхши биламиз. Театр саҳнасида кўплаб спектакллар саҳналаштиргансиз...

— 1992 йил Хоразмга ўзимнинг жонажон театримга ишга қайтдим. Театр саҳнасида тарихий, драматик ва комик роллар ижро этдим. Мана, 4-5 йилдирки, ўзимни режиссёрлик соҳасида ҳам синаб кўряпман. Шу пайтгача 10 дан зиёд спектакл саҳналаштирдим. Уларни томошабинлар илиқ кутиб олишяпти. Бундан хурсандман.

— Келажакдаги режаларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз...

— Орзусиз одам — қанотсиз куш. Бир вақтлар устозим Санъат Девонов саҳналаштирган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” спектаклини қайта саҳналаштириш ниятим бор. Яна киноларда бир-бирдан бетакрор роллар ижро этсам дейман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Болтабой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.

➤ Реклама

## LANZALI TO'LOV TIZIMI 24/7

**“Ипотека-банк” АТИБ тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг вақтларини тежаш мақсадида “Лаҳзали” тўлов тизимидан фойдаланишингизни тавсия этади.**

**“Лаҳзали” тўлов тизими юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида онлайн режимда банклараро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконини беради ва 24/7 вақт давомида (дам олиш ва байрам кунлари ҳам танаффусларсиз) фаолият кўрсатади.**

**Банкнинг “Интернет-банкнинг” тизимидан фойдаланувчи мижозларимиз ушбу хизматдан бемалол фойдаланишлари мумкин.**

Хизматлар лицензияланган [www.ipotekabank.uz](http://www.ipotekabank.uz)

## “ЗАМОНАВИЙ КУЛТИВАТОР”ЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Далварзин таъмирлаш заводида ишлаб чиқарилган

**АФЗАЛЛИГИ:**

- ▶ 3 нуқтага тақилади.
- ▶ Қатор оралиғи 60 см.дан 90 см.

**ОРГАНЛАРНИ:**

- ▶ Чуқурлиги, ерга ботиш кучи,
- ▶ ўсимликдан қочириш тез амалга оширилади.

**БИРВАҚТДА:**

- ▶ Култивациялаш;
- ▶ Суоқлик пуркаш;
- ▶ Минерал ўғит солиш;
- ▶ Чуқур юмшатиш ишларини бажаради.

Маҳсулот сертификатланган

**Мурожаат учун тел.: (93) 549-15-15, (98) 121-18-07. E-mail: gazqtz@mail.ru**

➤ Эълонлар

“PLANETA PLUS” МЧЖ (СТИР 205791962) ўз устав фондини 8 365 000 сўмдан 1 095 000 сўмгача камайтирилишини маълум қилади. Мурожаат учун телефон (+998 99) 800-55-01.	Янгийул транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежи томонидан 2019 йилда Хайитбоев Анвар Ғайрат ўғли номига берилган К № 5731794 (рўйхат рақами 2946) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Яшнобод (олдинги Ҳамза) туманидаги 152-мактаб томонидан 1988-1989 йилларда Воеводина (Поншавова) Наталья Николаевна номига берилган Д № 790141 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.	Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан 2019 йилда 710-19 гуруҳ талабаси Мирзаев Озод Зафар ўғли номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
1993 йил 19 февралда Фозилбаев Нуриддин Рафкатович номига берилган 05-01/5211 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.	“Attention Print” МЧЖ (СТИР 303223914) ўз устав фондини 1 501 050 000 сўмдан 759 981 615 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.

**QISHLOQ HAYOTI**

**МУАССИСАЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазиrлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**

Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Ғофсет усулда босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-447. 2 724 нусхада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti.uz Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 21.30